

УМУМИЙ ЎРТА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА ТЕХНОЛОГИЯ ФАНИ БЎЙИЧА ФАКУЛЬТАТИВ ДАРС МАШҒУЛОТЛАРНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ

Дониёрбек Абдулманнопович Қодиров

Тошкент давлат педагогика университетининг профессионал таълим
методикаси кафедраси ўқитувчиси

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг бешта муҳим ташаббуси асосида юртимиздаги сунги йилларда халқ таълими тизимида катта эътибор берилишининг долзарб муаммолари ёритилган. Шунингдек, ҳозирги профессионал таълимда технология фанини ҳозирги даврда ривожланиши ва технологияни ўқитишнинг замонавий тизимидаги аҳамияти, ўзига хослиги баён этилган.

Калит сўзлар: Концепция, ташаббус, тамойил, технология.

ABSTRACT

This article highlights the current problems of the system of public education in our country in recent years, based on five important initiatives of the President of the Republic of Uzbekistan Sh.M. Mirziyoyev. Also, the current development of the science of technology in modern professional education and the importance and specificity of the modern system of teaching technology are described

Keywords: concept, initiative, principle, technology

КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг бешта муҳим ташаббуси асосида юртимизда сунги йилларда халқ таълими тизимида катта эътибор берилиши натижасида технология соҳасида бир қатор ислохотлар амалга оширилмоқда.

Бу ислохотларнинг давоми сифатида умумий ўрта таълим муассасаларида технология фанларини ўқитишни янада такомиллаштириш ва юқори меҳнат самарадорлигига эришаётган ўқитувчиларни қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилди.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

2020-2021 ўқув йилидан бошлаб умумий ўрта таълим муассасаларида тасвирий санъат, технология фанлари бўйича факультатив дарс машғулотларини ташкил этилиши режалаштирилди.

Ушбу факультатив дарс машғулотларини ўтишга ОТМдан маҳоратли профессор, юксак ютуқларга эришган ўқитувчи ва ишлаб-чиқариш технолог ходимларини бириктирилиши мақсадга мувофиқдир.

Ушбулар орқали технология фанларига ўқувчиларнинг қизиқиши ортади, уларнинг қобилияти ва иқтидори барвақт аниқланади ва ривожлантирилади.

Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанлари турлари бўйича факультатив дарсларни ташкил этиш муҳим ўрин эгаллайди. Ҳозирги кунда ушбу масалалар долзарб бўлиб турибди, уларни ҳал этиш учун технологиянинг қўйидаги турлари бўйича амалга ошириш мақсадга мувофиқдир яъни меҳнат турлари бўйича ёш технолог, робота техника турлари бўйича тўғарақлар ташкил этиш мумкин. Тўғарақларни учта гуруҳларга тахсимлаш лозим бўлади, улар қўйидаги **кичик гуруҳлар** (5-8 синфларда), **катта гуруҳларга** (9-11 синфларда) бўлиниб тўғарақлар ташкил этиш мақсадга мувофиқдир. Ўқувчилар синфдан ташқари бўш вақитларида талаб этиладиган вазифаларни бажариш технологияларини ўзлаштирадilar. Технология факультатив дарс машғулотлари ташкил этилиши у ёки бу турли технология асосида ҳам ташкил этилиши мумкин. Бу факультатив дарс машғулотларининг турлари уларга ажратилган соатлар ҳажмидан ва таълим мазмуни ўқувчиларнинг истаклари ва мактаб имкониятлари, болаларнинг ёшлик хусусиятларидан келиб чиқиб белгиланади.

Умумий ўрта таълим муассасаларида технология фанларидан тўғарақларни ташкил этишнинг асосий мақсади ва вазифалари асосан ўқувчиларда технология фанига бўлган қизиқиши ортади, шунингдек уларнинг иқтидори барвақт аниқланади, ижодий қобилиятларини ривожлантириш ва шакллантириш ҳисобланади, уларни қатъий режа асосида мунтазам олиб борилиши талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг «Таълим туғрисида»ги Қонуни ва «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»да узлуксиз таълим тизими олдида ҳар томонлама камол топган, жамиятда турмушга мослашган, таълим ва касб-ҳунар дастурларини онгли равишда танлаган ва кейинчалик, пухта ўзлаштириш учун ижтимоий-сиёсий, ҳукукий, психологик-педагогик ва бошқа тарздаги шароитларни яратиш, жамият, давлат ва оила олдидаги ўз жавобгарлигини ҳис

этадиган фуқароларни тарбиялаш каби давлат буюртмаларини қўяди ва мазкур буюртмаларни бажариш учун қуйидаги вазифаларни бажариш назарда тутилган:

- тўғарак машғулотида ўқувчиларни маънавий-ахлоқий тарбиялаш ва маърифий ишлариинг самарали шакллари ва усулларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- тўғарак машғулотида ўқувчиларни янги педагогик ва ахборот технологиялари, фойдаланган ҳолда ўқитишни жадаллаштириш;

- ўқувчиларни халқнинг бой маънавий ва интеллектуал мерослари ҳамда умумбашарий кадриятлар асосида ватанпарварлик руҳида тарбиялаш;

- тўғарак машғулоти жараёнига дидактик ва ахборот таъминотининг янги авлодини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

- тўғарак машғулоти жараёнини юқори сифатли ўқув адабиётлари ва илғор педагогик технологиялар билан таъминлашни амалга ошириш;

- тўғарак машғулоти жараёнида ўқувчиларга миллий-мустақиллик тамойилари ва халқнинг бой интеллектуал мероси ҳамда умумбашарий кадриятлар устуворлиги асосида таълимнинг барча даражалари ва бўғинларида таълим олувчиларнинг маънавий ва ахлоқий фазилатларини фаоллаштириш;

- тўғарак машғулоти жараёнида ўқувчиларга таълим беришнинг барча даражаларида таълим олувчиларни бадий таълим ва нафосат тарбиясини такомиллаштириш;

- тўғарак машғулоти жараёнида ўқувчи-ёшлар онги ва қалбига миллий истиқлол мафқурасини сингдириш, таълим муассасаларида мафқуравий тарбияни бугунги кун даражасига кўтариш;

МУҲОКАМА ВА НАТИЖАЛАР

Юқорида қайд этилган вазифаларни муваффақиятли амалга ошириш учун, аввало, таълим тизимида барча ўқув фанлари қатори, технология бўйича таълим-тарбия жараёнини ташкил этишнинг илмий-назарий асослари бўлган ўқитиш тамойилари ва қонуниятларини аниқлаш лозим. Мазкур тамойилар ва қонуниятларни аниқлашда мамлакатимизнинг таълим соҳасидаги давлат сиёсатида оид асосий йўналишларини таҳлил қилиш зарурдир. Факультатив дарслар ҳар бир мактабда технологиянинг турлари, бўйича битта ёки бир нечта бўлиши мумкин. Умумий ўрта таълим мактабларида технология фанлари бўйича факультатив дарсларни ташкил этувчи тўғарак раҳбарининг асосий эътибори қуйидагиларга қаратилади:

- технология фани бўйича тўғаракга ўқувчиларнинг қизиқиши ва қобилиятига қараб қабул қилиш;

- тўғаракда ўқувчиларнинг сони 8-10 нафар этиб белгилаш. Акс ҳолда улар билан олиб бориладиган ижодий ишларнинг самарадорлиги ва сифати пасайиб кетади;

- технология тўғаракларига ўқувчиларнинг қизиқиши, идроки, ижодий қобилиятлари ўрганилиб ва маълум вақт мобайнида синовдан ўтказилиб, қабул қилиш;

- технология тўғараклари машғулотларини ўтишга ОТМдан маҳоратли профессор, юксак ютуқларга эришган ўқитувчи ходимларни бириктирилиши ҳамда илмий салоҳиятга эга бўлган олимларни жалб қилиш мақсадга мувофиқдир;

- мактабда технология факультатив дарс машғулотлари учун алоҳида махсус хона ажратиш ва тегишли жихозлар билан таъминлаш.

- умумий ўрта таълим муассасалари таълим мазмунининг тўғри белгиланиши факультатив дарс машғулоти ишини муваффақиятини таъминлаш.

Шунингдек тўғарак раҳбари мавжуд дастурларни ўрганиб чиқиши ва шу асосида ўзининг маҳаллий шароитларидан келиб чиқиб мослаштириши, ўқувчиларнинг тайёргарлиги ва имкониятлари, мактаб моддий-техникавий бўзаси асосининг мавжудлигига қараб таълим мазмунига оид ўз режаси ва дастурини ишлаб чиқади, мактаб педагогик кенгаши томонидан кўриб чиқлади ва тасдиқланади.

Технология факультатив дарс машғулотларининг қайси тури булмасин улардан қатъий назар, у амалий ва назарий қисмлардан ташкил топади¹.

Технологиядан амалий ишлар бажаришда бевосита, макетларнинг ўзига қараб тасвирлар ишлашни амалга оширадилар ва мустақил равишда мавзули инновация тузади, технологлар томонидан яратилган деталлар намуналаридан нусха тайёрлаш технологияларини ўрганадилар. Технология тўғарак машғулотларида ўқувчилар технология фанига ўз хиссасини қўшган

Технология тўғарак машғулотларида ижододий ишлашга катта аҳамият берилади. Ўқувчилар технологиянинг барча турлари (чилангарлик, ёғочга ишлов бериш, либослар дизайнери, мошинасозлик технологияси, роботатехника ишлари) бўйича мустақил ишлашни ўзлаштиради, таниқли технологлар

томонидан яратилган техникалардан намуналар кўрсатилиб нусха ясаш билан шуғулланидилар ва уларнинг технологияларини таҳлил қилади.

Бундай факультатив дарс машғулотида, полителин турбалар ёрдамида хонани сув йўлларида монтаж қилиш ишлари, уй-рўзғор буюмларни ва синган мебелларни қайта таъмирлаш, дазмол ва ортехникаларни таъмирлаши қўйилган мақсадга эришишни енгиллаштиради. Юқорида қайд қилинган буюм ва нарсалар топшириқнинг вазифасига қараб алоқиди ёки жамланган ҳолда, ҳаракатда ёки ҳаракатсиз ҳолатларда таъмирлаш мумкин. Робототехника тўғарак машғулоти ларида ўқувчилар робототехника билан яқиндан танишади ва робототехникада мустақил ишлаш технологияларини ўзлаштиридилар.

Чилангарлик тўғараги машғулотида ўқувчилар кичик ҳажмдаги буюмларни ясашни ўрганади, технологиянинг ушбу соҳасида тасвирлана- диган нарсани узунлик, кенглик ва баландликка эга қилиб акс эттириш принципига асосланган технология турини шакиллантиради. Асосан бунда ўқувчи ясаган деталини қайерга, қандай қилиб, қанчалик баланликда жойлашни ўрганади.

Тўғарак машғулотида ўқувчилар республикамизнинг турли шаҳарларида яратилган технологиялари ва инновациялари билан яқиндан танишади

Ўқувчиларга бериладиган вазифалар, топшириқлар, мавзулар мазмуни жиҳатдан ўқувчиларнинг ёшига нисбатан, ижодий қобилияти ва иқтидори, технологияга қизиқиши имкониятларига яраша бўлади. Технология танловида қуйидаги мавзулар ўқувчиларда катта қизиқишлар уйғотади, масалан;

20 аср қорқчилари кемаси, Дўпи тикдим ипаклари тиллодан, Антиквар автомобил, Меҳнаткаш уй-рўзғор буюми, байрамларга бағишланган баҳорий гуллар ясаш, олтин куз фаслига атаб дарахтлар ясаш, робототехника бўйича ўзи ҳаракатланадиган техникаларни яратиш мумкин, танлов учун катта гуруҳдаги ўқувчиларга эркин мавзуларни тавсия этса ҳам бўлади.

Шулар билан бир қаторда ўқувчилар томонидан тайёрланган технология ижодий ишлари туман, шаҳар, вилоят, Республика ва ҳалқаро кўрик танловлар кўргазмаларида иштирок этиш учун амлага оширлади. Булар факультатив дарс машғулотида, таниқли технологлар билан учрашувлар, техника кўргазмалари, технология бўйича кўрик-танловлар, кечалари каби қатор йўналишларда ўтказилади ва улар ўқувчиларни ижодий эҳтиёжларини қондириш ва ижодий қобилиятларини ривожлантириш, улардаги индивидуаллик ва истеъдодни рўёбга чиқаришга ҳизмат қилади. Шу билан бирга у ўқувчиларнинг бадиий ва

эстетик жиҳатдан дунё қарашини кенгайтиради ҳамда ижодий қобилиятини ривожлантиради.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб шуларни айтиш мумкинки бу тугаракларнинг натижасида ўқувчилар ўзлари тайёрлаган буюмлари билан кўрик-танловларда катта қизиқиш билан иштирок этадилар. Ўқувчилар роботатехника ва технологияни турлари билан яқиндан танишади, Буюк технологлар томонидан яратилган янги технологиялар билан яқиндан танишадилар. Ўқувчилар томонидан Турин олийгоҳини технолог устахоналарига ташриф буюрадилар натижада ўқувчилар технологиянинг асл нусхалари билан танишадилар, уларнинг яратилиш жараёнининг шоҳиди бўладилар. Ўқувчиларни Турин олийгоҳини технологиялар устахонасига саёҳатлар уюштирилганда технологлар ўзларининг ҳаётлари ва ижодлари, келажак режалари ҳақида атрофлича гапириб берадилар, ўзи яратган техникалари билан таништирадилар ва техникаларни қандай қилиб яратилиши тарихи ҳақида ҳикоя қилиб берадилар. Технологнинг жонли нутқи ва унинг ҳикояси ўқувчиларни ҳаяжонлантиради, уларнинг хотирасида ўчмас из қолдиради, келажакда ёшларимиз касб танлашда бир хулосага келадилар.

REFERENCES

1. Мирзиёев Ш.М. Нияти улуғ халқнинг - иши ҳам улуғ, ҳаёти ёруғ ва келажаги фарован бўлади. 3-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2020. – 3-бўлим.
2. Толипов Ў.Қ. Олий педагогик таълим тизимида умуммеҳнат ва касбий кўникма ва малакаларни ривожлантиришнинг педагогик технологиялари: Дис. ... пед. фан. док. – Тошкент: 2004. - 314 б.
3. <http://www.istedod.uz/>
4. <http://www.pedagog.uz/>